

ҲАБИБ САЪДУЛЛА ДРАМАСИДА МУҲАББАТ ВА АДОЛАТ ФОЖИАСИ: САҲНА, ПСИХОЛОГИЯ ВА ЭСТЕТИК ТАЪСИР БИРЛИГИ

Ermanbetova Shoxsanam Bozorboyevna

University of Business and Science

Til va adabiyot ta'limi kafedrası katta o'qituvchisi,

filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori

Gmail: shohsanamermanbetova49@gmail.com

Telefon: +998939442273

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20265706>

Аннотация: Ушбу мақолада Ҳабиб Саъдулла драмасы асосида яратилган “Юсуф ва Зулайхо” фожиаси бадиий-эстетик ва психологик жиҳатдан таҳлил қилинади. Асарда муҳаббат, адолат, зулм ва қасос ўртасидаги зиддият саҳнавий ифода, эпик киритмалар ва персонажлар нутқи орқали очиб берилган. Муаллиф қаҳрамонларнинг ички кечинмалари ва руҳий ҳолатини чуқур ёритиш орқали томошабиннинг ҳиссий таъсирланишини кучайтиришга эришган. Шунингдек, драманинг композицион тузилиши ва тарбиявий аҳамияти ҳам таҳлил этилади. Асар муҳаббатни илоҳий қадрият сифатида улуғлаб, инсонни эзгуликка чорлайди.

Калит сўзлар: драма, Юсуф ва Зулайхо, муҳаббат, адолат, зулм, қасос, психологик таҳлил, бадиий таҳлил, саҳна, композиция, эстетика, трагедия.

THE TRAGEDY OF LOVE AND JUSTICE IN HABIB SA'DULLA'S DRAMA: UNITY OF STAGE, PSYCHOLOGY AND AESTHETIC IMPACT

Ermanbetova Shoxsanam Bozorboyevna

University of Business and Science

Department of Language and Literature Education

Senior Lecturer, Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Email: shohsanamermanbetova49@gmail.com

Phone: +998 93 944 22 73

Abstract: This article provides a literary, aesthetic, and psychological analysis of the tragedy “Yusuf and Zulaykho” based on the drama of Habib Sa'dulla.

The work explores the contradictions between love, justice, oppression, and revenge through stage representation, epic insertions, and characters' dialogues. The author achieves a strong emotional impact on the audience by deeply revealing the inner experiences and psychological states of the characters. In addition, the compositional structure and educational significance of the drama are analyzed. The work elevates love as a divine value and calls people toward goodness and moral purity.

Keywords: drama, Yusuf and Zulaykho, love, justice, oppression, revenge, psychological analysis, literary analysis, stage, composition, aesthetics, tragedy.

ТРАГЕДИЯ ЛЮБВИ И СПРАВЕДЛИВОСТИ В ДРАМЕ ХАБИБА САИДУЛЛЫ: ЕДИНСТВО СЦЕНЫ, ПСИХОЛОГИИ И ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ

Эрманбетова Шохсанам Бозорбоевна

University of Business and Science

Кафедра языкового и литературного образования

Старший преподаватель, доктор философии (PhD) по филологии

Email: shohsanamermanbetova49@gmail.com

Телефон: +998 93 944 22 73

Аннотация: В данной статье проводится литературный, эстетический и психологический анализ трагедии «Юсуф и Зулайхо», основанной на драме Хабиба Саидуллы. В произведении раскрываются противоречия между любовью, справедливостью, угнетением и местью через сценическое воплощение, эпические вставки и диалоги персонажей. Автор достигает сильного эмоционального воздействия на зрителя посредством глубокого раскрытия внутренних переживаний и психологических состояний героев. Кроме того, анализируются композиционная структура и воспитательное значение драмы. Произведение возвышает любовь как божественную ценность и призывает человека к добру и нравственной чистоте.

Ключевые слова: драма, Юсуф и Зулайхо, любовь, справедливость, угнетение, месть, психологический анализ, литературный анализ, сцена, композиция, эстетика, трагедия.

Ҳабиб Саъдулла драмасида Юсуф ва Зулайхо тақдири орқали муҳаббат, зулм ва адолат ўртасидаги фожиавий зиддият чуқур бадиий-психологик таҳлил қилинади. Асарда сахнавий ифодалар, эпик киритмалар ва нутқий таъсирчанлик орқали қаҳрамонлар ички дунёси очиб берилади ҳамда томошабиннинг ҳиссий иштирокини кучайтиришга эришилади. Драмада муҳаббат илоҳий қудрат сифатида улуғланиб, қасос ва нафрат эса инсонни ҳалокатга олиб боровчи куч эканлиги ғояси илгари сурилади.

Буюк Таймусдан келган элчидан шоҳ Азизнинг ҳаяжонга тушиши кўрсатилиб, Таймуснинг донғи кетган, қудрати чексиз эканлиги намоён бўлади. Унинг эътибори эса шараф сифатида талқин этилади. Бу ҳолат томошабинга яхши тушунтирилган.

Таймуснинг қизи Зулайхони хотинликка бериш истаги борлиги Азизга ёқиб тушади. Тараддуд чоғида у: “Бош узра! Агар лозим бўлса, гулни тош устида ҳам ўстиргум!” — дея муболаға билан айтади. Бу эса қудачиликдан кутилаётган катта нафдан умидворликни очиб беради. Кўриниб турганидек, Ҳабиб Саъдулла образлар характери ва кечинмаларини томошабинга етказиб бериш вазифасини муваффақиятли уддалаган.

Энди томошабин воқеалар ривожини қизиқиш билан кутади. Зулайхога уйланиш орқали келадиган нафни шоҳ Азиз:

“Мени Таймус этур мулкига ворис.

Демак, қўлимга ўтгач мулки Мағриб,

Бутун олам бўлур ҳарбимга мағлуб”.

дея англаб, қаср қурдириш фармонини беради. Севинчдан ўзига сиғмай қаҳ-қаҳ отиб кулиши Азизнинг асосий ниятини очиб ташлайди.

Учинчи кўриниш яна қизиқарли кечади. Томошабин қаср қурилишида иштирок этаётган Қулбобо ва Юсуфни кўриб ҳайратга тушади. Ижодкор шу ўринда биринчи муҳим ечимни ўртага ташлайди. Юсуф ўзининг Канъонлик эканини, ўн бир ака-укасининг кенжаси эканини, тушида куёш, ой ва юлдузлар оёғига бош ургани сабабли ака-укалари томонидан қудуққа ташлангани, кейин савдогарлар томонидан топилиб Мисрга сотилгани ҳақида ҳикоя қилади.

Иккинчи парданинг тўртинчи кўриниши Зулайхонинг қасрида хор билан бошланади:

“Юзинг оламни этмишдир мунаввар,

*Лабинг ёқут, тишингдир лаълу гавҳар,
Сўзингда бир жаҳон маъно, Зулайхо,
Омон бўл, тургунча дунё, Зулайхо..."*

Зулайхонинг хусн-у малоҳати оламини ёритади, лаби ёқут, тишлари гавҳарга қиёсланади. Ҳабиб Саъдулла бу ўринда Зулайхо образининг ташқи ва ички дунёсини бирдек юксак даражада тасвирлайди.

Шу билан бирга Зулайхо ва Азиз ўртасидаги зиддият тугун сифатида намоён бўлади. Азизнинг рад этилишига муносабатида аёллар характериға хос мулойимлик ҳам сезилади.

Ҳабиб Саъдулла қаҳрамонларни қатъий “яхши” ёки “ёмон”га ажратмасдан, уларнинг ички зиддиятларини очиб беради. Масалан, қаҳрли шоҳ Азиз ҳам ошиқ сифатида намоён бўлади:

*“Ўшал ширин забонига садқа жон!
Жамолингиз кўриб девонадирмен,
Шам қошида парвонадирмен..."*

Бу ҳолатда муҳаббат шоҳни ҳам ожиз қилиб қўяди. Муаллиф қаҳрамонни инсон сифатида тўлиқ, зиддиятли ҳолда кўрсатади.

Воқеалар ривожига Юсуфнинг келтирилиши ва Зулайхонинг унга бўлган муҳаббати ариялар орқали очиб берилади. Масалан:

“Бир тараҳҳум қилмадинг зорингга жоним, лоақал..."

Бу орқали Зулайхонинг изтироби ва умидсиз муҳаббати кучли эмоционал таъсир билан ифодаланади.

Шу тариқа драмада ария, кулис, пауза ва бошқа сахнавий воситалар орқали қаҳрамонлар руҳияти чуқур очиб берилади.

Ҳабиб Саъдулла драмасида қайта ишланган “Юсуф ва Зулайхо” сюжети орқали муҳаббат, адолат ва ҳокимият ўртасидаги мураккаб зиддиятлар бадий жиҳатдан таъсирчан ифодаланган. Асарда қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, ички изтироблари ва тақдир синовлари сахнавий воситалар — диалог, ария, хор ва кулис орқали ишончли очиб берилган.

Муаллиф образларни бирёқлама тасвирламасдан, уларни зиддиятли ва ҳаётий характерлар сифатида кўрсатган. Шу орқали Азиз, Юсуф ва Зулайхо образлари орқали инсон қалбидаги муҳаббат ва нафрат, садоқат ва зулм каби қарама-қаршиликлар ёрқин намоён бўлади.

Асарнинг умумий ғояси муҳаббатнинг илоҳий қудратини улуғлаш, унинг ҳар қандай зулм ва тўсиқлар устидан ғалаба қозонишини кўрсатиш ҳамда инсонни эзгулик ва маънавий покликка чорлашдан иборатдир.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Жўраев Ҳ. *Лирикада анъанавийлик ва ўзига хослик*. – Тошкент: Фан, 2004. – 148 б.
2. Жўраев Ҳ. *Лирик қаҳрамон ва муаллиф шахсияти*. – Тошкент: Фан, 2008. – 80 б.
3. Жумахўжа Н. *Рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз. // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар*. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 297.
4. Мамажонов С. *Ранглар ва оҳанглар*. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 240 б.

5. Саъдулла Ҳ. *Танланган асарлар* (2 жилдлик, 2-жилд). – Тошкент: Шарқ, 2002.
6. Аристотель. *Поэтика*. – Қадимги юнон фалсафаси манбалари.
7. Белинский В. Г. *Адабиёт ҳақида танқидий мақолалар*. – Москва: Художественная литература.
8. Ҳабиб Саъдулла. *Драматик асарлар ва сахна намуналари*. – Тошкент.
9. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти.
10. Драматургия назарияси (ўқув қўлланма). – Тошкент: Олий таълим нашриёти.